1 5 1 2 9 4

• *БУГУН — ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ*

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 8 декабрь, чоршанба | №179 (21.754) | Сотувда эркин нархда.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ

7 декабрь куни пойтахтимиздаги мухташам "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янгради.

Республика Президенти Ислом Каримов йиғилишда сўзга чиқди.

Бугун мустақил диёримиз тарихидаги энг улуғ саналардан бири — Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлаяпмиз, деди Президент. Зеро, Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонаманки, унинг кечаётган кунимизга таъсирини, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий кафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди.

Мен кеча йирик халқаро ташкилот — Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашининг Будапештда ўтган мажлисида иштирок этиб келдим. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги 53 та давлатни ўзида бирлаштирган мазкур кенгаш ишида Ўзбекистоннинг ҳам тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашиши барчамизни қувонтиради, бу Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, овозига ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан шаҳодат беради.

Баъзиларда Ўзбекистон Осиё қитъасида бўлса, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашида иштирок этишидан қандай манфаат бор, деган савол туғилиши мумкин, деди Ислом Каримов. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, 1975 йилда 33 давлат иштирокида ташкил топган бу халқаро кенгаш таркиби йиллар оша кенгайиб бормоқда. Модомики, биз янги жамият, озод ва обод Ватан қурмоқчи эканмиз, жаҳондаги, хусусан, Европадаги мутараққий давлатлар тажрибасидан имкони борича фойдаланмоғимиз керак. Бундан ташқари, ана шу давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш имкони бағоят катта. Буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Муҳими, мазкур халқаро ташкилотнинг асосий мақсади — нафақат Европа, балки бутун дунёда осойишталик, тинчликни қарор топтириш, моддий фаровонликка эришмоқ бўлиб, бу ғоялар бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштарақдир. Қолаверса, ана шундай улкан анжуманларда фаол иштирок этиш, давлатга жаҳон аҳлини ўз овози, нияти ва сиёсати билан воқиф этиш имконини беради. Обрўйига-обрў қўшади.

Биз бу кенгаш ишида қатнашар эканмиз, қандай масалаларни ўртага қўйдик? Биринчидан, Европада Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгаши фақат Европага доир муаммолар билан чекланиб қолмаслик, балки Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар, уларнинг муаммолари билан ҳам изчил шуғулланиш керак, деган таклифни айтдик. Хусусан, собиқ Югославиядаги мамлакатлар билан бир қаторда оғир вазиятни бошдан кечираётган Тожикистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим. Шунингдек, Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятга, умумжаҳон муаммосига айланган Орол фожиасига ҳам мазкур нуфузли ташкилотнинг эътиборини яна бир жалб этдик, бу борада амалий ишларга ўтиш вақти етганини таъкидладик.

Тараққий этган давлатларда сафарда бўлсам, у ердаги тўкин ҳаёт, фаровон турмушни кўриб, беихтиёр тарихни эслайман, деди Ислом Каримов. Шунда буюк марказлашган давлат бунёд бўлиб, Туронзамин гуллаб-яшнаган, бу ерда яшаган халқлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган давларда Европа қандай аҳволда эди, нега тарих гилдираги чаппа айланиб кетиб, биз тараккиётнинг пастки ўринларига тушиб қолдик, деган саволлар ҳаёлимдан ўтади.

Ана шу вазиятдан чиқиб олишнинг, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиб беришнинг йўли борми? Бор! Менимча, биз, мана шу азиз ютримизнинг ҳар бир фарзанди қўйидаги учта шартга амал қилсак, иншооллох, буюк орзуларимизга эришгаймиз. Авваламбор, толемизга шукрона айтишимиз керакки, гўзалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асрашимиз, авайлашимиз, керак бўлса, бу йўлда кўксимизни қалқон қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошимиз, миллати, тили, дини, мавқеи ва мансабидан қатъи назар, Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учинчидан, энг катта бойлигимиз — диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз "Бир кун Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ота-боболаримиз "Бир кун жанжал чиққан ўйдан қирк кун барака кетади", деб бежиз айтмаган.

Ўтиш даврининг мураккабликлари, шу боис иқтисодий аҳволимиз ҳали кўнглимиздагидай эмаслиги, халқимиз вазиятни тушуниб сабр-тоқат билан ҳаёт кечираётгани маълум, деди Президент. Бунинг учун улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Лекин ҳеч ким мустақилликка, ҳурликка осонлик билан эришган эмас. Бу ҳақиқатни ҳам унутмайлик.

Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этамман, деди Ислом Каримов пировардида. Биз ҳамжиҳат бўлсак, ўз [illegible]имизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрсак, ер[illegible] кунларга албатта етамиз, авлодларга орзу этганимиз — озод ва обод Ватан қолдирамиз! Бунга Конституциямиз халқимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тантанали йиғилишда Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов Ўзбекистон Конституциясининг икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бугров, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкентдаги хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН



Суратларда: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаётган пайт. 2. Мажлис маҳали.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ БУДАПЕШТДА БЎЛИБ ЎТГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарама раис!

Ҳонимлар ва жаноблар!

Ўтган давр мобайнида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши тузилмаларидаги ҳамкорлигимизни танқидий кўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз мазкур кенгашнинг мақсад ва дастурий вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келишига яна бир бор амин бўламиз.

ЕХҲК доирасидаги кўп томонлама мулоқотлар биз — янги мустақил давлатлар учун демократик янгиланиш ва эркин бозор иқтисодиёти қурилишининг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар қўлга киритган мислсиз тажрибадан баҳраманд бўлишда кенг имкониятлар очади.

Ҳозирги замон шароитида ЕХҲК ўрнини босадиган бирон-бир ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда ЕХҲК сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган турли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни биз ноконструктив деб ҳисоблаймиз. Чунки, мубҳам, аниқ қиёфага эга бўлмаган бундай лойиҳалар, мулойим қилиб айтганда, Умумевропа ҳамкорлиги борасида вужудга келаётган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортиш ишига қўмақлашмайди.

ЕХҲК демократияни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ишонч чоралари масалаларида шундай универсал тамойил ва йўналишларни ишлаб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун-бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манфаатдордир.

Мисол учун, бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланган тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган юздан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасини олиб кўрайлик.

Табиийки, бундай ноёб шароитда бу минтақадаги давлатларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда барқарорлик, тинчлик, бу ерда истиқомат қилаётган кишилар ўртасидаги миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги энг муҳим кафолат ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, айни пайтда биз Марказий Осиёнинг улкан табиий-хомашё, стратегик ва жуғрофий-сиёсий геополитик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг таъсир доираси ва кучлар мутаносиблигини сақлаб қолиш ҳамда тақсимлаш учун ўзаро кураш майдонига, Европа мамлакатларига ҳам хавф туғдирадиган, наркобизнес ва қурол савдоси кенг тарқалаётган минтақага айланиб бораётганини ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Вужудга келган бу мураккаб шароитда бизнинг мустақиллигимизни ҳамда янгидан ташкил топган давлатлар суверенитетини мустаҳкамлаш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда, ўтмишни соғиниш хусусида тобора кучайиб бораётган майлларнинг олдини олишда, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкамланишида ЕХҲК ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудимизга экстремизм ва ақидапарастликнинг бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятни қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва миллий онги, янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустаҳкамланиши сингари қийин, бироқ табиий жараённи бошдан кечирмоқда. Мамлакатда очиқ демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчиллик билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган уч йил биз танлаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Биз ўтказаётган ислоҳотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлиги, бизнинг шароитимизда "фалаж қилиб даволаш" деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва бозор ислоҳоти йўлидан муваффақият билан юриш учун минтақанинг ўзига хос хусусияти, яъни, айтган бўлардимки, маданий-тарихий заминини, шунингдек, халқимизнинг руҳиятини яхши билиш ва ҳисобга олиш талаб қилинади.

Биз кишилар тафаккурини ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадриятларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини яхши биламиз. Бу ўринда ўн йилликлар давомида ҳукм сурган тоталитар тузум даврида бир неча авлод бу қадриятларга мутлақ беписандлик руҳида тарбияланганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Биз ЕХҲКнинг минтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг янада мустаҳкамланиши, "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида фаол иштирок этиш — ҳодисалар номақбул йўналишининг олдини олиш ҳамда тикланиш жараёнларини демократик ислоҳотларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имконият яратишига аминмиз.

Энди ЕХҲКдек ноёб анжуман фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир нечта мулоҳазамни баён этмоқчиман.

Совуқ уруш тамом бўлгани ва СССР тарқаб кетганидан кейин халқаро майдонда давлатларнинг янги тури — иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар пайдо бўлганини эътироф этиш лозим.

Шу муносабат билан, назаримизда, ЕХҲК, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий дастурларида мазкур мамлакатлар иқтисодини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш масаласига кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бу мамлакатларга нисбатан ёндошувларда ва уларга берилган баҳоларда гоҳо кўзга ташланиб қоладиган кескинликни юзага келтирувчи фикрлаш асоратидан бутунлай воз кечиш керак.

Яна бир мулоҳаза. Равшанки, ЕХҲКга фақат Европа мамлакатларигина аъзо эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Бироқ, бугун мунозаралар асосан Европадаги вазият ҳақида бўлаётганини таассуф билан таъкидлашга тўғри келади. Мен бу фикрни бугунги Европанинг хавфсизлиги фақат Европадаги осойишталиккагина эмас, балки унинг атрофидаги минтақалар барқарорлигига ҳам боғлиқлигини аниқ англаётганим учун таъкидлаяпман.

ЕХҲК фаолиятида минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ ўрин эгалламоғи лозим. Тарих тажрибаси билан ёнма-ён яшашга маҳкум бўлган давлатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик — улар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг, ҳозирги замонда тобора авж олиб кетаётган миллатлараро ва минтақавий курашлар ва урушлар хавфини бартараф этишнинг энг муҳим омил ва воситасидир.

Собиқ СССР ҳудудидаги минтақавий ва миллатлараро қарамақаршиликлар олови алангаланишининг асосий сабабларидан бири — ўтмишнинг оғир асоратларидан ташқари, бугунги кунда жуда кўп йўқотишларга мубтало бўлган кишиларнинг тенгсизлиги ва оғир моддий аҳволи эканини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Бугун ЕХҲК эътиборини яна бир бор Тожикистондаги аҳволга қаратмоқчи эдим. Салмоқли халқаро инсонпарварлик ёрдамисиз бу мамлакатнинг беш миллионли аҳолиси қишдан чиқиши қийин.

Биз ЕХҲКнинг бугунги кунда қон тўкилаётган минтақаларда тинчлик ўрнатишдаги етакчи ўрнини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Ғап ЕХҲКнинг тинчликпарварлик вазифасини амалга оширишдаги халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда можароларнинг олдини олиш ва уларни бошқаришдаги аҳамиятни кучайтириш, шу мақсадларда ЕХҲК доирасида зарур тузилмалар барпо этиш лозимлиги ҳақида бормоқда.

Бизнингча, можаролар бўлаётган жойлардаги барча тинчликпарварлик ишлари фақатгина ЕХҲК мандати бўйича амалга оширилмоғи керак.

Назаримизда, давлатларнинг умумий қиргин қуролларини тарқатмаслик ва, айтган бўлардимки, бу қуролларнинг сайёрамиз бўйлаб ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан олган мажбуриятларига қатъий риоя этишларига эътиборни кучайтириш зарур.

Биз учинчи мамлакатларга замонавий қурол сотишда янада қаттиқроқ меъёрлар ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи қарор чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек ижроия органлари, хусусан ЕХҲК Бош котиби нуфузини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда айрим минтақаларда алоҳида кескинлик касб этаётган камсонли миллатлар масаласи ҳақида бир-икки оғиз гап. Биз Конституциямиз, қонунчилигимиз ва кундалик ҳаётимиз миллати ва динидан қатъи назар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги учун зарур шароит яратиб берган.

Биз бундай сиёсатнинг тўғрилиги ва ҳаётийлигини Европа давлатлари мисолида кўриб турибмиз ҳамда худди шундай ёндашувни амалга оширишни олдимизда турган муҳим вазифалардан деб биламиз.

Биз қўш фуқароликни тақозо этадиган турли-туман таклифларни қабул қилолмаймиз, чунки, қўш фуқаролик аҳолининг маълум қисмига устунлик бериб, мамлакатдаги ички барқарорлик ва тотувлик мувозанатини издан чиқариши, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айтмоқчи бўлган сўнгги мулоҳазам шундан иборатки, ЕХҲК экология муаммоларига эътиборни кучайтириши зарур, деб ҳисоблайман. Бу муаммолар ҳозирги замонда айрим миллатлар муаммосигина бўлиб қолгани йўқ. Орол денгизи фожиаси барчага маълум. Бу фожиа инсонлар соғлиғига таъсир кўрсатмоқда, бундан ташқари номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ҳодиса минтақавий доирадан чиқиб, умумзамин муаммосига айланганига анча бўлди. У бугунги кунда бутун Евроосиё минтақасидаги муҳит мувозанатини жиддий тарзда бузмоқда.

Мен яна бир карра жаҳон ҳамжамиятини ЕХҲК сингари нуфузли ташкилот раҳбарлигида Орол муаммоси билан амалий равишда шуғулланишга, табиат ва бутун-бутун авлодлар саломатлигини сақлаб қолишга даъват этаман.

Бўсағада турганимиз янги минг йилликни инсоният қандай кутиб олиши ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳамда бутун ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатига бевосита боғлиқдир. Мана шу буюк вазифаларга муносиб бўлайлик.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Будапештдан Тошкентга қайтиб келди.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ХОДИМЛАРИГА

Сизларни ва республикамизнинг барча судьяларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилганининг 70 йиллик байрами билан самимий табриклайман.

Юртимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонунлар билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда одил судловни таъминлашда Олий суд судьяларининг хизмати катта.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бугунги ижтимоий жараёнлар, янги Конституциямизнинг қабул қилиниши амалда кучли суд ҳокимиятининг қарор топишига имконият яратди. Зеро, мустақил одил судловни таъминлаш инсон манфаатларига хизмат қиладиган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий омилидир.

Ишонаманки, сизлар бундан кейин ҳам жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифангизни оғишмай амалга ошираверасизлар.

Барчангизга янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнатлари, республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишидаги ҳизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ

ИСҲОҚОВА Ҳалима Исмаиловна — Олий суднинг бўлими бошлиғи
НОСИРОВ Каримжон — Олий суднинг судьяси

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ"

ПОПКОВ Александр Васильевич — Олий суднинг судьяси
ПОЛВОНЗОДА Абдусамат Абдуҳамидович — Олий суд раисининг биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ

АЛИМҚУЛОВ Райимқул — Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси
ҚОДИРОВ Аҳрор Охунович — Олий суднинг судьяси
МУҲИДДИНОВА Фарруха Фахриддиновна — Олий суднинг судьяси
САФАЕВА Машкура — Олий суднинг судьяси
ТУРСУНБОЕВ Йўлчибой Эргашевич — Олий суднинг судьяси
ХОМЕНКЕР Лев Моисеевич — Олий суднинг судьяси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕҲАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика деҳқончилик саноати мажмуини ривожлантиришдаги, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ"

Зокиров Ғулом Шокирович — Машина механизмлари ва деталлари назарияси кафедрасининг мудири

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР"

Каримов Рамзиддин Муҳиддинович — гидравлика кафедрасининг мудири
Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:
Абдураззоқов Абдулла Тошпўлатович — ер тузиш факультетининг декани
Знётов Курбонбой — Автокорхона бошлиғи
Любутин Андрей Борисович — ўқув-ишлаб чиқариш устахонасининг мудири
Пўлатов Зокир Ботирович — ўқув-тажриба хўжалиги директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 7 декабрь

АВИАСОЗЛАРНИНГ ОЧИҚ ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимиз саноатининг йирик, замонавий корхоналаридан бири бўлган Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг очиқ партия йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари иккинчи қурултойи якунлари ва бирлашма ХДП ташкилотининг сайловолди мавсумидаги вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлайлик!

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).

Марьям ХОЖИМАТОВА, 129-Гулистон сайлов округи

Марьям Хожиматовани Сирдарё вилоятида билмайдиган хонадон кам топилади. У киши Андижон тиббиёт институтини тугатгач, 1968 йилда Сирдарё вилоятига келиб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Мана, деярли 26 йилдан бери вилоят туғуруқхонасида астойдил меҳнат қилиб, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топди. Марьям опа фақат малакали шифокор бўлибгина қолмай, меҳрибон инсон, яқин маслакдош, куюнчак устоз ҳам.

У кишининг номини аёллар, хотин-қизлар, ёшу-қари алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Яқиндан бошлаб эса Марьям Хожиматова Гулистон шаҳрида янги қурилган туғуруқхонага раҳбар. У киши худди бундан чорак аср илгаригидай, ёш шифокорлар каби одамлар хизматида. Камтарин инсон ва малакали шифокор ҳузуридан одам узилмайди.

М. Хожиматова аёллар саломатлигини яхшилаш, профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш, хотин-қизлар орасида камқонликни камайтириш учун бор билими, тажрибасини, қобилиятини сарфлаяпти. Оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, "Соғлом авлод учун" дастурини бажаришда ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Олий категорияли акушер-гинеколог М. Хожиматованинг халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги хизматлари юксак баҳоланган. Унга 1979 йилда "Соғлиқни сақлаш аълочиси" унвони берилди. 1981 йилда эса "Ҳурмат белгиси" ордени билан мукофотланган.

Юрий Матвеевич ХОЛОДНИКОВ, 130-Янгиер сайлов округи

Юрий Матвеевич Холодниковнинг номини Янгиер шаҳридагина эмас, балки бутун Сирдарё вилоятида яхши биладилар. 1962 йилда у қалб даъвати билан Мирзачўл қўриғини ўзлаштиришга келган эди. Олий маълумотли мутахассисни ўша йили эндигина тикланиб келаётган Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига ишга таклиф этдилар. Дастлаб у оддий мастер (уста) сифатида иш бошлади, кейин катта инженер, сўнгра шу корхонанинг бош инженери лавозимига кўтарилди ва бу вазифада деярли 1987 йилга қадар ишлади. 1987 йилдан буён эса шу корхонага раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳуллас, мана, 32 йилдирки, ўз билими, тажрибаси, куч-қудратини мана шу жамоага сарфлаб келмоқда.

Комбинат ишчилари Юрий Матвеевич Холодниковни тажрибали раҳбар сифатидагина эмас, балки меҳрибон дўст, ғамхўр ва инсонлар қалбига яқин бўлгани учун ҳам астойдил ҳурмат қиладилар. Айниқса, унинг камтарлиги ва камсуқумлиги алоҳида таърифга лойиқдир. Шунинг учун ҳам янгиерликлар у кишини Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзод этиб танладилар.

Неъматулла УМУРҚУЛОВ, 132-Боёвут сайлов округи

Неъматулла Умурқулов 41 ёшда. Хўжалик меҳнат аҳли уни ўзларига раис этиб сайлаганларига уч йил бўлаётир. Ана шу давр мобайнида у Боёвут туманидаги "Деҳқонобод" жамоа хўжалигини дадиллик билан қолоқликдан илғорликка олиб чиқа олди. Сўнгги икки йилда иқтисодий тангликларга қарамай жамоа хўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб маррага етиб келмоқда. Бунда тадбиркор, айни пайтда деҳқончиликнинг чуқур билимдони Неъматулла Умурқуловнинг меҳнатлари каттадир.

Неъматулла Умурқулов тадбиркор ва обрўли раҳбар бўлиш билан бирга дилкаш, камтарин инсон, жонкуяр дўст ва биродар ҳамдир. Жамоа аҳли шунинг учун ҳам ўз раисларини яхши кўрадилар ва қадрлайдилар. Боёвут туманида ҳам уни кўпчилик яхши танийди. Чунки у ХДП туман ташкилотини оёққа турғазишда бош-қош бўлган, кўп меҳнатлари сингган. Айни пайтда Ўз ХДП Сирдарё вилояти кенгаши ижроия бюросининг аъзоси ҳамдир.

Боёвутликлар ўзларининг муносиб номзодларига овоз бериб, уни Олий Мажлис депутатлигига сайлайдилар, деган умиддамиз.

Материалларни "Ўзбекистон овози"нинг махсус мухбирлари Норбобо ШАКАРОВ ва Абдужалил УМАРОВ тайёрлашди.

Пиримқул ҚОДИРОВ, 131-Ховос сайлов округи

"Уч илдиз", "Қора кўзлар", "Олмос камар", "Бобур", "Ҳумоюн ва Акбар" романлари, "Қадрим", "Мерос" ва "Нажот" қиссалари муаллифи, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти нишондори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров халқимизга таниқли ва ардоқлидир. Унинг роман ва қиссаларида халқимиз орасидан чиққан ёркин тарихий сиймолар ва ҳалол меҳнатлари билан обрў қозонган ватанпарвар замондошларимиз улуғланади. Адибнинг кенг китобхонларга манзур бўлган роман ва қиссалари Ўзбекистонда ва чет элларда қайта-қайта нашр этилган.

П. Қодиров 1990 йилда Ўзбекистон халқ депутати ҳамда Олий Кенгаш Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитасининг раиси бўлиб сайлангандан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида ишламоқда. Бу йиллар давомида у "Давлат герби ҳақида", "Давлат байроғи ҳақида", "Давлат мадҳияси ҳақида" ва Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлатнинг шаклланишига хизмат қиладиган бошқа муҳим қонунларни тайёрлаш ҳамда қабул қилинишида фаол иштирок этди.

Пиримқул Қодиров муҳим ижтимоий ишларни ҳам амалга оширмоқда, 1989 йилдан бери Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитасига раислик қилмоқда.

Депутатлик йилларида П. Қодиров ўз сайловчиларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга, уларни тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш ишларига ҳисса қўшди.

1994 йилда П. Қодиров кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, фан ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ёш авлодни Ўзбекистон Республикасининг истиқлоли ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун "Шуҳрат" медали билан мукофатланди.

Рустамбек Абдуназарович ТУРДИЕВ, 133-Сайҳун сайлов округи

Рустамбек Турдиев Сирдарё вилояти прокуратурасининг халқаро иқтисодий алоқалар соҳасидаги ўғрилик, коррупция ва хавфли жиноятчиликларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи. Бу масъулиятли лавозимга уни юксак тажрибаси, ҳалоллиги, одиллиги, халқ, давлат манфаатлари йўлида астойдил жонкуярлиги олиб келди. У ўзининг ўн беш йиллик иш фаолияти давомида оддий ҳуқуқшуносликдан вилоят прокуратурасидаги масъул бўлимнинг бошлиғигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Ана шу йиллар мобайнида юқорида эслатилган сифатлари туфайли элга танилди, одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. У — партиясиз. Лекин шундай бўлса-да, ХДП аъзолари унга катта умид билан қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам унинг номзодини Олий Мажлис депутатлигига ҳеч иккиланмай кўрсатдилар. Бундай катта ва фахрли ишонч ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Рустамбек Турдиев бу ишончни шараф билан оқлай олади, деган умиддамиз ва сайловчиларни унинг номзоди учун овоз беришга чақирамиз.

Музафбар Қаҳорович СИНДОРОВ, 134-Сирдарё сайлов округи

Музафбар Синдоров 36 ёшда, асл деҳқон фарзанди, куч-қувватга тўлган, эл ғамида ишлаб толмайдиган ташкилотчи. Деярли ўн беш йилдирки, "Синдоробод" жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг сулоласини ҳам, Музафбарнинг ўзини ҳам сирдарёликлар яхши биладилар ва ҳурматлайдилар.

Музафбар Синдоров ер билан ҳам, унинг жонкуярлари бўлмиш деҳқонлар билан ҳам астойдил тиллаша олади. Бу йилгидек оғир шароитларда у меҳнат қилаётган жамоа хўжалиги Сирдарё туманида биринчилардан бўлиб довон ошди. Деҳқонларнинг ютуғида М. Синдоров бош бўлган бригаданинг ҳиссаси ҳам салмоқли.

Музафбар Синдоров уста ва тадбиркор деҳқон сифатидагина эмас, балки фаол жамоатчи сифатида ҳам кўпчиликка таниш. У Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитасининг аъзосидир. Олий Мажлис депутатлигига сайланса, у ўз эли, юртига янада кўпроқ наф келтириши тайин.

Турсунмамат ҚОДИРОВ, 135-Оқолтин сайлов округи

Одамлар Турсунмамат Қодировдаги бағри кенглик, инсонийликни ёқтиради. Унинг яна бир муҳим томони — ишга бўлган муносабатидир. Қаерда бўлмасин, қайси вазифа ёки лавозимда ишламасин, адолат, талабчанлик, қатъий ижрочилик сифатларини доим биринчи ўринга қўйиб келади. Табиатан мулойим, камтарин инсон, оилада ғамхўр ва меҳрибон ота.

Ишлаб чиқариш ташвишлари унинг кўп вақтини олади. Лекин шунга қарамай ўқиш, ўрганишдан толиқмайди. Иқтисодий, сиёсий билимларини ошириб боришга ҳаракат қилади. ХДП ишининг жонкуярларидан. Бундай инсонларга ишонсанг арзийди.

Турсунмамат Қодиров ҳозир 38 ёшда — айни куч-қувватга тўлган паллада. У меҳнат фаолиятини 1976 йилда ўрта мактабда ўқитувчилик билан бошлади. Кейин туман миқёсида қатор масъул лавозимларда ишлади. Бу йилларда у ёшларни тарбиялаш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, жойжойига қўйиш, уларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини вужудга келтиришда кўп амалий ишлар олиб борди. Одамлар билан ишлар экан у ўзининг тўғри сўзлиги, ёшларга эътиборлилиги, ғамхўрлиги, айни пайтда эл-юрт ишига куюнчаклиги билан обрў-эътибор топди. Энг муҳими, одамларни таниди, кадрларни ўстиришга ёрдам берди. Айни пайтда туман иқтисодини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди.

1994 йилда Т. Қодиров Узоқов номли ширкатлар уюшмаси раиси этиб сайланди. Унинг раҳбарлигида хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ТАНИШТИРАДИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Нозимжон ҚОЗОҚОВ 1943 йилда Наманган вилоят Тўрақўрғон туманидаги Қўшқайрағоч қишлоғида туғилган. Фарғона Давлат муаллимлар ва Тошкент қишлоқ хўжалиги институтларини битирган. Меҳнат фаолиятини Наманган туманидаги 51-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Задарё туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири, иккинчи котиб, кейинчалик биринчи котиб вазифаларида ишлаган. Туман партия қўмитаси йўриқчиси, ташкилий бўлим мудири, вилоят халқ таълими мудирининг ўринбосари, Задарё туман партия қўмитаси ташкилий бўлимининг мудири, вилоят ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғи, сўнг вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби Тоштемир ИСМОИЛОВ 1947 йилда Сирдарёдаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида туғилган. Меҳнат фаолиятини вилоят "Ўзсельхозтехника" бирлашмасида агрономликдан бошлаган. Хўжалик бош агрономи, партия қўмитаси котиби, вилоят партия қўмитаси аппаратида ташкилий бўлим инструктори, бўлим мудири ўринбосари, туман ижроия қўмитаси раиси, партия қўмитаси биринчи котиби, сўнг Гулистон туман ҳокими вазифаларида меҳнат қилди.

У 1969 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган.

НОМЗОДЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Хатирчи тумани марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 84-Хатирчи сайлов округидан рўйхатга олинган номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлди. Номзод халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидан кўрсатилган вилоят ҳокими Абдуҳолиқ Айдаркулов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган Хатирчи туман Шарқ Рашидов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Зуҳриддин Файзиевларнинг ишончли вакиллари номзодларнинг таржиман ҳоли билан сайловчиларни таништирди. Депутатликка номзодлар ўз дастурларини ўқиб бердилар. Учрашув қизғин ва самимий савол жавоблар билан якунланди.

И. ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

***

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлиғига сайлов ўтказувчи 67-Жиззах скайлов округида ҳам сайловчиларнинг ўз номзодлари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Жиззах шаҳридаги "Сайҳан" ижара ширкатлар бирлашмасида бўлган сайловолди учрашувида вилоят ҳокимлигидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод Жиззах шаҳар ҳокими Комил Қобилов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод Жиззах шаҳридаги 2517-автокорхона директорининг ўринбосари Эргаш Жўрабоев билан учрашув бўлди. Учрашувда ҳар иккала номзод сўзга чиқиб, сайловчиларга ўз режалари хусусида гапириб бердилар.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

1992 йил 8 декабрь куни ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим сиёсий воқеа рўй берди. Ўзбек халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиб ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини дунёнинг етук мутахассис-экспертлари, буюк олимлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган барча қоидаларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатларига жуда мос келади деб, хулоса бердилар. Жумладан, "Париж-1" университети халқ ҳуқуқи профессори Мишель Лесак Конституциямизни жаҳон андозлари даражасида тайёрланганлигини эътироф этди.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонун билан 1992 йил 8 декабрга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат идоралари қабул қилган бош ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган қисми ўз кучини сақлаб қолиши қайд этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ва айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланди.

Давлат бошлиғи сифатида Президентнинг янги ваколатларига мамлакат Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, олий ҳарбий қўмондонларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилиш, олий ҳарбий унвонларни бериш, вилоят, шаҳар, туман судларининг судяларини тайинлаш ва бошқалар қўшилди. Ҳуллас, Конституция Президент зиммасига бутун мамлакат тақдири учун масъулият юклади. Демак, мамлакатимизда жорий этилган Президентлик бошқаруви кўринишидаги кучли ижроия ҳокимияти қонунларнинг бутун мамлакат ҳудудига аниқ ва оғишмай бажарилиши ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ишончли гарови бўлди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси 1993 йил 6 майда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида" Қонун қабул қилди. Бу демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сари бораётган мамлакатимизда "олдин тасдиқланган барча қонунларимизни ҳам янги Конституция кўзи — назари билан қараб, бошқатдан кўриб чиқишимиз зарурати"дан келиб чиққан эди.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиниши билан шубҳасизки, мамлакатимизда Президентлик бошқаруви кўринишидаги кучли ижроия ҳокимияти янада такомиллаштирилди, чунки, ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида мамлакатнинг бутун ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига раҳбарлик қиладиган бўлди.

Асосий Қонуннинг "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб номланувчи 21-боби 102-моддасига мувофиқ: "Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради". Мазкур бобнинг 103-моддаси 2-бандида: "Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади" деб қайд этилди.

Бундан ташқари, Асосий Қонуннинг 105-моддаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида алоҳида қонун қабул қилишни тақозо қилар эди.

Асосий Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат бошқарувининг ўрта ва қуйи бўғинларида ҳам кучли ижроия ҳокимиятининг ягона тизимини яратишга киришиш йўлидан борилди.

1992 йилнинг 4 январида "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллари ҳокимиятига ҳамда ижроия — бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилди.

Кейинчалик ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси 1993 йил 2 сентябрда эса "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" Қонун қабул қилди. Ушбу Қонунда вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқариши қайд этилдики, бу жойларда ҳам кучли ижроия ҳокимияти органлари вужудга келаётганлигидан далолат берарди. Дарҳақиқат, қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига чексиз ваколатлар берилган бўлиб, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Бугунги кунда юртбошимиз И. Каримовнинг олиб бораётган изчил сиёсатининг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталикнинг ҳукм сураётганлиги, бозор иқтисодиётига ва бошқарувнинг демократик ҳуқуқий тамойилларига босқичма-босқич тараққиётнинг силқ ва ислоҳотлар йўли билан ўтаётганимиз ҳамда жамиятнинг барча жабҳаларида қонуннинг устворлигига эришаётганимиз — буларнинг барчаси яна бир бор ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда кучли ижроия ҳокимияти зарурлигини исботламоқда.

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ

Ушбу Қонунга кўра шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Бугунги кунда юртбошимиз И. Каримовнинг олиб бораётган изчил сиёсатининг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталикнинг ҳукм сураётганлиги, бозор иқтисодиётига ва бошқарувнинг демократик ҳуқуқий тамойилларига босқичма-босқич тараққиётнинг силқ ва ислоҳотлар йўли билан ўтаётганимиз ҳамда жамиятнинг барча жабҳаларида қонуннинг устворлигига эришаётганимиз — буларнинг барчаси яна бир бор ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда кучли ижроия ҳокимияти зарурлигини исботламоқда.

Исматулла МАМАНОВ, Тошкент юридик коллежи директори, юридик фанлари номзоди.

ҲАММАМИЗНИНГ СУЯНЧИҒИМИЗ

Мана, Ўзбекистон Республикасининг мустақил Конституцияси қабул қилинганига ҳам икки йил тўлди. Шу муносабат билан республика Прокуратурасининг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси прокурори ҲАКИМАХОН ТОЖИБОЕВА билан сўҳбатлашдик.

— Аввало Конституция байрами Сиз учун қандай аҳамият касб этишини билсак...

— Прокуратура ходими ва севикли юртимнинг бир қизи сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу байрам ўзгалар каби мен учун ҳам жуда улуғ ва унутилмас айёмдир. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, тарих тақозоси талаб қилдиким дунёга келган ёш давлатнинг тараққиёти учун ўша юртнинг ўз қонунлари бўлиши шарт экан. Ривожланган давлатларнинг ўтмиши ҳам бу ҳақиқатни инкор қилмаган. Қонунга асосланган давлатнинг ривожланиши ва жаҳон ҳамжамияти орасида катта обрўга эга бўлиши табиийдир. Тарих нуқтаи назаридан қаралганда ҳам ўз Конституциямизнинг яратилиши ва қабул қилиниши катта воқеадир. Аҳамиятига келсак Конституция юртининг қонунларини ҳурмат қилувчи фуқаронинг суянчиғидир. Шу зайлда менинг ҳам. Сизнинг ҳам. Барчанинг ҳам.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон ССР Конституцияларидан фарқи нимада?

— Ўзбекистон ССР Конституцияларининг қабул қилиниши ва амалиётда тадбиқ қилинишини барчамиз яхши биламиз. Ростини айтган маъқул. Олдингиларини ишлаб чиқиш асосан собиқ СССР Конституциялари ни кўчириш ва ўзбек тилига агдариш билан кифояланарди. Миллий ҳу одатларимиз ва анъаналаримиз бу муқаддас Қонуннинг қабул қилинишида ҳисобга олинган эмас. Шу сабабли фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари кўп эди. Одамларда эскича, қотма қонунлар асосида яшаш меъёри тугади. Тарих янгича турмуш, янгича ҳаёт кечиришни талаб қилди. Шу асосда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қила биладиган янги давлат тузиш ва қонунлар ишлаб чиқиш шаронти етишиб қолди. Бундан юрт раҳбарлари оқилона фойдалана билдилар. Кенг жамоатчилик ҳам бефарқ қарамади. Шунинг меваси ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни дунёга келди.

— Бахтимиз қомусида миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз йўғирилган бўлиб, унинг қабул қилиниши республикадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни юртимизнинг мустақил давлат сифатидаги янги ҳуқуқий ҳолати билан белгиланишига олиб келди. Шундаймаси!

— Бу бор гап. Чунки, Асосий қомусимизни яратишга қўл урилар экан ривожланган давлатларнинг конституцияларидаги илғор ғоялар ўрганилди. Айрим моддалар учун асос қилиб олинди. Кенг халқ муҳокамасидан ўтиш жараёнида фуқароларимиз, олимларимиз, давлатимиз раҳбарлари томонидан кўплаб ижобий фикрлар тушдики, бу Конституция моддаларида ўз аксини топган. Шу тариқа Конституциямиз жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган Қонунга айланди, қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти асослари каби боб ва моддаларнинг киритилиши унинг туб демократияга асосланганлигини билдиради.

Айниқса, "Прокуратура" ҳақидаги бобда биз прокуратура ходимлари ва идораларининг ваколатларини қонун нуқтаи назаридан ойдинлаштириб берганлиги қувончлидир. Шу қонун асосидан келиб чиқиб "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши биз учун кенг кўламда ишлаш дастури бўлди. Натижалар шу кунга келиб ёмон бўлмади. Бундан халқимиз воқиф бўлаётирлар.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ сўҳбатлашди.

ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

6 декабрь куни Республика Киночилар уйида буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очди. Зал узра Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Республика Президентининг Фармонига кўра ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун Абдулла Қодирий биринчи бўлиб "Мустақиллик" ордени билан мукофотланган эди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев шу ҳақдаги Фармонни ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов юксак мукофотни адибнинг ўғли Маъсуд Абдуллаевга топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра мамлакатимизда Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Юбилей арафасида ёзувчи Тоғай Мурод, ҳайкалтарош Илҳом ва Камол Жабборовлар, рассомлар Лутфулла Абдуллаев ва Алишер Мирзаев ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг раиси Пиримқул Қодиров шу ҳақдаги Президент Фармонини ўқиб берди. Э. Халилов мукофотланганларни қутлаб, лауреатлик гувоҳномаси ва нишонларини топширди.

Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, катта ишонч ва эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол, "Шарқ Юлдузи" журналининг бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек халқининг миллий ифтихорига айланган Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарлари хусусида миллат мустақиллиги билан боғлиқ ниятлари бугунги кунда рўёбга чиққани ҳақида ғурурланиб гапирдилар.

Адибнинг фарзанди Маъсуд Абдуллаев республикамизнинг "Мустақиллик" ордени биринчи бўлиб Жулқунбойга берилгани Қодирийлар авлоди учун унутилмас воқеа эканини айтиб, улуғ адибга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун республика раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали кеча охирида республика санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Халқимизнинг суюкли фарзанди, салоҳиятли қалам соҳиби Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллик тўйи умумхалқ байрамига айланиб кетди. Миллий удумларимизга биноан 6 декабрь куни эрталаб адибнинг рамзий қабрини зиёрат қилиш учун Тошкентдаги "Комолон" қабристонига адиб ва шоирлар, адабиёт мухлислари, жамоатчилик вакиллари келишди. Қабрга анвойи гуллар қўйилиб, адиб руҳига бағишлаб қуръон тиловат қилинди.

Сўнгра пойтахтимиздаги адиб номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғида Абдулла Қодирийга ўрнатилган ёдгорлик очилишига бағишланган маросим бўлди. Бу ерда янграётган карнай-сурнай садолари улкан шодиёнадан дарак бериб турарди. Майдонга ўрнатилган саҳнада Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастаси муҳтоз ашулаларни ижро этди.

Ёдгорлик устидаги мато туширилгач, йиғилганлар кўз ўнгида адибнинг ҳаётга умид билан боқиб турган сиймоси намоён бўлди.

Ёдгорликнинг очилишига бағишланган йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Республика "Ёдгорлик" жамияти раиси Н. Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Эркин Воҳидов ва бошқалар Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиёти, маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, унинг ижоди ва ҳаёти барча авлодларга намуна бўлажаги тўғрисида сўзладилар. Шундан сўнг ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирларда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(ЎзА).

МОЗИЙГА ҚАЙТИШ ХАЙРЛИ ИШ

Буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги муносабатии билан ўтказилган тантанали кечада айтилган тилаклар, хотира ва мулоҳазалар кишини ҳаяжонга солади.

Саид АҲМАД, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Биз энг эзгу туйғуларимизни, орзу-умидларимизни қуёш нурига ўхшатамиз. Қуёшдек абадий деймиз, қуёшдек тиниқ, беғубор, безавол, қайноқ деймиз.

Қуёш нурини болта билан, қилич билан чопиб бўлмайди. Уни сувга чўктириб ҳам, ерга кўмиб ҳам бўлмайди. У замбарак ўқларини, бомбаларни писанд қилмайди. Туғилганимдан бошлаб мен кўрган қуёш шундай бўлган.

Биз-ку энг эзгу ҳисларимизни, орзу-умидларимизни қуёшга ўхшатар эканмиз, хўш, қуёшнинг ўзини нимага ўхшатиш мумкин? Албатта, уни ҳеч нарсага менгзаб бўлмайди, у ягона, беқиёс дерсиз.

Мен қуёш нурини "Ўткан кунлар"га ўхшатаман. Бу романга 70 йилдан буён замбарак отишади, қилт этмайди. Саҳифалари орасига бомба қўйиб портлатишади, бирон вараги кўчмайди. Уни қилич билан, болта билан етмиш йилдан бери чопишади, у собит тураверади. Уни сувга ташлашди, чўкмади. Уни ерга кўмиб, устига тупроқ тортишди, у бош кўтариб чиқаверди... Умумадабиёт тарихида — Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам, Лотин Америкасида ҳам Қодирий асарларидек муттасил зарбага учраган асар бўлмаган.

Хўш, "Ўткан кунлар"нинг айби нимада эди? Айби — айби йўқлиги эди.

Мустақиллик офтоби пешонамизни ёритиб, елкамизни иситган ушбу кунда бир қайрилиб орқага қараб оляпмиз. Қодирийнинг ўзи "Мозийга қайтиб иш тутмоқ хайрлидир", деб бежиз айтмаган эди. Президентимиз Ислом Каримов "Ўтмиши йўқ халқнинг эртаси ҳам йўқ" деб айтган гаплари нақадар ҳақ ган эканига яна бир марта иқрор бўлиб турибмиз.

Қодирий ҳам ўтмишимиз, ҳам бугунимиз, ҳам эртамиздир.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири:

— Мен адибимиз орқали бизга берилган сабоқлардан сабоқ олгим келади. Шу маънода ҳали қоғозда сиёҳи қуримаган шеърим орқали фикримни айтсам...

Биринги — Отабек, биринги — Кумуш,
Доим яшнаб турсин севгингиз боғи.
Ҳақиқий муҳаббат билмасин сўлиш,
Устоз Қодирийнинг бу илк сабоғи.

Адиб юрагида аламлар қат-қат,
Лекин биттаси бор — ўчмасдир доғи.
Жонни тик озодлик йўлида фақат,
Бу эса устознинг сўнгги сабоғи!

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ТошДУ профессори.

— Абдулла Қодирий XX аср бошида кенг қанот ёйган маърифатпарварлик адабиётининг тўлқинларида ижодга кириб келди. Шу улуғ маърифатчилар яратган бойликдан озиқланиб, уларнинг ишини давом эттирди ва адабиётда янги саҳифа очишга муваффақ бўлди. У тўла маънода ўзбек романчилигига асос солди Унинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари ўзбек миллий ҳаётининг ҳамма қатламларини жуда чуқур акс эттирган асарлардир. Айни чоғда улар ўзбек миллатининг туб сифатларини ҳам ўзбекнинг ўзига, ҳам бошқа халқларга кўз-кўз қилди. Булар ўша 20-йиллардаёқ ўзбек халқининг қалбини жуда чуқур ифтихор туйғулари билан тўлдирган, унинг миллий онгини янги босқичга кўтарган эди. Шунинг учун Абдулла Қодирий халқ қалбидан мангу жой олди. Ҳеч қандай қатағонлар, танқидий тўқмоқлар, бўҳтонлар ва қора чаплашлар бу улуғ дибни халқ юрагидан чиқара олмади. Шу боис бугун биз кўтаринки руҳ билан Абдулла Қодирийнинг юз йиллигини нишонлаяпмиз. Ишончим комилки, бундан кейин ҳам унинг буюк асарлари ўзини ўзбек деган ҳар бир китобхон учун доимий йўлдошдир...

Абдулла Қодирий ҳаёти, унинг қисмати бизга ҳаётдан сабоқ беради. Ижоди эса миллатимизнинг турмушидан ҳақиқий андозадир. Шу боисдан хулосаларимиз, олаётган, уқаётган сабоқларимиз бор. Зеро, адиб фақат ўтмишда эмас, сабоқлари билан бизга келажакда ҳам ҳамроҳдир, ҳамдардир...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД, "Ўзбекистон овози"нинг махсус мухбири.

АСАРЛАРИ ҚУЁШГА ЎХШАР...

Йилни яхши якунлаётганлар

МАНФААТДОРЛИК — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Бу йил Ўзбекистон туманидаги Ғафур Ғулом номли жамоа хўжалиги деҳқонлари барча соҳаларда юқори натижаларга эришишди. Айниқса, пахтадан мўл ҳосил олинди. Ўз-ўзидан маълумки, бундан хўжалик, қолаверса, пахтакорлар катта манфаат кўрадилар. Бу ҳақда мухбиримизга жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Умарали ЎРМОНОВ шундай дейди:

— Очиғи, хўжалигимиз пахтакорлари бу йил шунчалик катта ютуққа эришадилар, деб ўйлагандим. Лекин мен ўйлагандан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Чунки бу йил пахта йили бўлди. Ваҳолонки, табиий офат кўз очирмаган, пайкалларни қайта-қайта сел босиб, ёш ғўза ниҳолларини нобуд қилган йиллар кўп бўлган. Ҳатто 20 июнга қадар чигит экканмиз.

Бу йил эса табиат кўнглимизга қаради. Кўклам яхши келди. Чигитни ўз вақтида, қулай агротехника муддатларида экиб бўлдик. Ёзда эса ғўза парваришида фидокорлик кўрсатилди. Астойдил бел боғлаган ҳеч қачон доғда қолмас экан. Бунинг устига республикамиз Президентининг қатор Фармонларини амалга ошириш ҳам бизга қўл келди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари оширилиши, етиштирилган ҳосилнинг маълум миқдори ихтиёримизда қолдирилиши, хўжалигимиз аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги ишлар ютуқларимизнинг асосий омилларига айланди.

Хўжалигимиз пахтакорлари бу йилги деҳқончилик йилида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Мавжуд 1317 гектар майдонда деҳқончилик қилган миришкорларимиз ноябрь ойининг бошларидаёқ йиллик режани ортиғи билан уддалашди. Салкам 4 минг тоннадан зиёд юқори навли пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ер ҳисобига 31 центнердан ошди. Топширилган пахтанинг 85 фоизи юқори навларга сотилди. Шуниси қувончлики, 2500 тоннадан ортиқ пахтамиз уруғлик учун қабул қилинди.

Тўхтамаҳмуд Юсупов, Усмонхўжа Султонов, Абдуфаттоҳ Худойқулов, Аҳмаджон Мингбоев, Имомали Жумаев, Абдураҳим Раҳмонов ва бошқалар етакчилик қилаётган бригадаларда 35 центнергача ҳосил олинди.

Пахта мавсуми якунланди. Энди ҳисоб-китоб қиладиган пайтлар келди. Ҳисоб-китобларимизга кўра, режадаги пахтанинг 33 фоизи ва режадан ташқари етиштирган пахтамизнинг ҳаммаси ўзимизда қолишидан анчагина даромад қиларканмиз. Бу маблағнинг асосий қисми пахтакорларимизга меҳнат ҳақи сифатида берилади.

Даромаднинг бири қисми эса қишлоқларимизни ободонлаштиришга, янги-янги иш жойлари яратишга сарфланади. Хўжалигимизда ишлаб турган тегирмон, кичик корхоналар кенгайтирилади. Мойжувозлар бунёд этилади. Шуниси қувончлики, яқинда хўжалигимиз ҳудудида 160 ўринли янги мактаб биноси қуриб битказилди. Бундан кейин ҳам ободончилик ишларини авж олдиришга ҳаракат қиламиз.

Айни кунларда деҳқонларимиз ғалабага эришдик, деб хотиржамликка берилганлари йўқ. Ғўзапоялар тезда йиғиштириб олиниб, шудгор ишлари бошлаб юборилди. Ахир келгуси ҳосилга ҳам пухта замин яратиш керак-да?

Анчагина майдонларга экилган ғалла майсалари ҳам парваришланяпти. Ниятимиз — ғалладан ҳам мўл ҳосил олиш. Чорва қишловини беталафот ўтказиш учун барча зарур чоралар кўриб қўйилди.

Суҳбатни Ш. МИРҲАБИБОВ ёзиб олди.

АДИБНИ ЁД ЭТИБ

"ГУЛ-КОН" САЙЁҲЛИК ФИРМАСИ

Чимён сайёҳлик мажмуининг Тошкентдаги ваколатхонаси " Гул-кон" сайёҳлик фирмаси Ўзбекистон аҳолисини ва меҳмонларни 1994 йил 30 декабрь - 1995 йил 1 январь кунларида денгиз сатҳидан 1600 м. баландликда жойлашган Чимён сайёҳлик мажмуида ўтказиладиган Янги йил карнавалига таклиф этади. Байрам дастурида Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари иштирок этишади, шунингдек беқиёс " Юлдуз шоу"тўғридан-тўғри ойнаи жаҳонга узатилади.

Шошилинг, жойлар сони чекланган. Ўқувчиларнинг таътил кунларида гуруҳ ва оилавий бўлиб бориш учун йўлланмалар, ҳамма хизмат турлари мавжуд.

Шунингдек,,Тошкент-Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйича 2 кунлик сафарларни;

-Тошкент-Москва- Тошкент бўйича харид сафарларини, хорижга сафарларни,чет эл паспортларини расмийлаштириш билан биргаликда таклиф этамиз.

Тўлов турлари: нақд, пул ўтказиш йўли билан ва ўзаро ҳисоб-китоб.

Бизнинг манзил: Мовароуннаҳр кўчаси-4, 3-йўлак,3 қават.

Йўналиш: Метронинг Амир Темур бекати, курант қаршисида.

Маълумот учун телефонлар: 32-22-10, 33-73-84

ОҚ МОЙЛИ БЎЁҚ

МАРМАР ЎВОҒИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ ШАРТНОМА ТУЗАМИЗ. МИНСКДАГИ ТЕЛ./ ФАКС (0172) 464917.

ЭЛЕКТРОДЛАР СОТАМИЗ

АНО-4 Ø 4 ММ ЭЛЕКТРОД

"Буюк ипак йўли" номли Фарғона ипакчилик корхонаси товаршуноси УМУРЗОҚОВ Авазбек Комилович номига берилган №953, №954, №955 рақамли "ишонч қоғозлари" йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

"Ўзжамхўжқурилишсаноат" бошқармаси жамоаси Асака ёғочни қайта ишлаш комбинати директори О. Солиевга отаси, республикада хизмат кўрсатган қурувчи **Обиджон СОЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҚУТЛАЙМИЗ ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон халқини мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни — КОНСТИТУЦИЯмизнинг икки йиллик байрами билан муборакбод этамиз. Барча юртдошларимизнинг хонадонига тинчлик, хотиржамлик тилаймиз.

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ — "БИЗНЕС-ФОНД"

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ҚЎЙИЛАЁТГАН ИНШООТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:

Бекобод шаҳридаги қурилиши тугалланмаган кашшофлар уйи.
Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

Бекобод шаҳридаги қурилиши тугалланмаган сузиш ҳавзаси.
Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

Паркент туманининг Бўстон поселкасидаги қурилиши тугалланмаган сув иситиш қозонхонаси.
Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

Паркент шаҳридаги қурилиши тугалланмаган меҳмонхона.
Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

Юқори Чирчиқ туманидаги қурилиши тугалланмаган кўз касалликлари шифохонаси.
Бошланғич баҳоси — 60 минг сўм.

Бўка шаҳридаги қурилиши тугалланмаган болалар уйи.
Бошланғич баҳоси — 40 минг сўм.

Зангиота туманидаги қурилиши тугалланмаган 48 хонадонли турар-жой биноси.
Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

Чирчиқ шаҳридаги қурилиши тугалланмаган "Детское" кафеси.
Бошланғич баҳоси — 40 минг сўм.

Янгийўл шаҳридаги қурилиши тугалланмаган АТС.
Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

Паркент туманининг Бўстон поселкасидаги қурилиши тугалланмаган сабзавот сақлаш омбори.
Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.

Паркент туманидаги қурилиши тугалланмаган электр тақсимлаш пункти.
Бошланғич баҳоси — 10 минг сўм.

Паркент шаҳридаги ёзги клуб биноси.
Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

Ангрен шаҳридаги яримфабрикатлар цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 60 минг сўм.

Бўстонлиқ мўйначилик хўжалиги.
Бошланғич баҳоси — 1 миллион сўм.

Оҳангарон туманидаги паррандачилик фабрикаси.
Бошланғич баҳоси — 800 минг сўм.

Аризалар жисмоний ва юридик шахслардан ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси 51-уйда қабул қилинади.

(Тошкент вилояти Ҳокимияти биноси 3-қават, 109-хона).

Алоқа учун телефонлар:
Тошкент (3712) 33-08-65
Бекобод (291) 13-82
Бўка (257) 35-110
Чирчиқ (271) 52-536
Ангрен (266) 25-835
Паркент (272) 22-851
Зангиота (297) 74-92-51
Янгийўл (260) 73-981
Бўстонлиқ (274) 21-793
Оҳангарон (264) 51-526

Ким ошди савдоси Тошкент вилояти Ҳокимиятининг катта залида 1994 йил 27 декабрь соат 12.00 да бўлади. Аризаларни қабул қилиш 1994 йил 26 декабрь соат 18.00 да тўхтатилади.

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.

***"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

***"СОВҒА"* лотереясининг сотиб олсанг, қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишинг мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.**

***"СОВҒА"* лотереясини билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**

***"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНҒАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 25.00. Г—1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.